

ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОРЛИКЛАРИ ВА ЧЕКЛОВЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШУВ

Саидов Сардорбек Искандарбекович

*Ипотек банк АТИБ Фаргона ҳудудий филиали бошқарувчи ўринбосари,
Чакана, ўрта ва кичик бизнес департаменти бошлиғи*

Аннотация: Ушбу мақолада инфляцион таргетлаш сиёсати (IT)нинг иқтисодий устуворликлари ва амалиётдаги чекловлари таҳлил қилинган. Хусусан, нархлар барқарорлигини таъминлаш, ишончни ошириш, инвестиция муҳитини яхшилаш каби жиҳатлар IT сиёсати орқали амалга оширилиши мумкинлиги таъкидланган. Шу билан бирга, инфляциянинг ташқи шокларга юқори сезгирлиги, аҳоли кутувларининг юқорилиги, марказий банк мустақил-лигининг заифлиги каби хавфлар муфассал ёритилган.

Унда хорижий мамлакатларнинг IT бўйича тажрибалари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон учун амалий хулосалар келтирилган. Умуман олганда, IT сиёсати ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий, институционал ва сиёсий муҳитига мослаштирилган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: инфляцион таргетлаш, нархлар барқарорлиги, марказий банк, монетар сиёсат, инфляция кутувлари, валюта сиёсати, институционал муҳит, фискал интизом.

Инфляцион таргетлаш (Inflation Targeting, IT) – марказий банкнинг асосий мақсадларидан бири сифатида нархлар барқарорлигини таъминлаш механизми бўлиб, у иқтисодий иштирокчиларнинг инфляция кутувларини ушлаб туриш, инвесторларни жалб қилиш ва ички бозорда ишонч муҳитини яратишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Инфляцион таргетлаш сиёсатининг энг асосий устувор жиҳати – бу нархлар барқарорлигини таъминлаш орқали иқтисодиётдаги ишонч муҳитини мустаҳкамлашдир. Марказий банк томонидан аниқ инфляция мақсадларининг белгиланиши (масалан, йиллик инфляция 5% даражасида) фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар (бизнеслар) учун узоқ муддатли молиявий қарорлар қабул қилишда ишонч ва барқарорликни таъминлайди. Нарх барқарорлиги савдо, инвестиция ва истеъмол фаоллиги учун муҳим омил бўлиб, иқтисодиётдаги турли агентлар – ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва инвесторлар учун “маълумот сигнал” сифатида хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

томонидан 2020 йилдан бошлаб инфляцион таргетлашга ўтиш жараёни бошлангани – ушбу сиёсатнинг амалий аҳамиятини тасдиқлайди.

Инфляциянинг меъёрлашган даражада ушлаб турилиши тўғридан-тўғри инвестицион муҳитга ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, Марказий банк томонидан инфляциянинг 5% атрофида ушлаб турилиши, реал фоиз ставка-ларни прогнозлаш ва режалаштириш имконини беради. Бу эса, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун хатарсиз ва узоқ муддатли сармоялар киритиш имкониятини оширади.

Инфляция даражаси аниқ бўлганда, бизнес субъектлари инвестиция қарорларини самаралироқ қабул қилади, чунки улар маблағларининг ҳақиқий қийматини сақлаб қолиш ёки кўпайтириш имкониятига эга бўладилар. Шу тариқа, ИТ сиёсати мамлакатда инвестиция фаоллигини ошириш, иш ўринлари яратиш ва ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) ўсишини рағбатлантиради.

Илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, инфляцион таргетлаш сиёсати, айниқса, ривожланаётган бозорлар учун самаралироқ ҳисобланади. Масалан, олиб борилган тадқиқотларда таъкидланишича, инфляцион таргетлаш режими инфляциянинг паст ва барқарор даражада сақланишини таъминлаб, иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатган. Бу ривожланаётган мамлакат-ларда иқтисодий институтлар ҳамда бозор механизмлари ҳали тўлиқ шакллан-маганлигини ҳисобга олган ҳолда, марказий банкларнинг ишончга сазовор сиёсат юритиши учун муҳимдир. Ушбу сиёсат давлатнинг иқтисодий ва молиявий сиёсатини прогрессив тарзда олиб боришига ҳам йўл очади. Шунинг учун, Ўзбекистон каби бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар учун ИТ режими нафақат инфляцияни барқарорлаштириш, балки макроикти-содий муҳитни мустаҳкамлашда ҳам муҳим восита бўла олади.

Инфляцион таргетлаш сиёсати давлат молиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. ИТ сиёсатида Марказий банк инфляцияни ушлаб туриш учун фискал ва монетар сиёсат ўртасида узвий мувофиқликни талаб қилади. Бу эса, бюджет интизомини кучайтириш, давлат қарзини мақсадли бошқариш ва ортиқча харажатларни камайитиришга хизмат қилади. Шунингдек, ИТ режими марказий банкни бюджетдан мустақиллаштиришга имкон беради ва бу давлат харажат-лари инфляцияни кучайтирмаслиги учун муҳим ҳисобланади. Фискал интизом орқали давлат молиясининг шаффофлиги ва самарадорлиги ошиб, халқаро молиявий рейтингларда ҳам ижобий акс этади. Тадқиқотларда қайд этилишича, фискал сиёсатнинг интизомли юритилиши инфляцион кутувларни пасайтириб, умумий иқтисодий барқарорликни таъминлайди.

Инфляцион таргетлашнинг чекловлари ва хавфлари

Инфляцион таргетлаш сиёсати ташқи шоклар, яъни импорт нархлари, халқаро товар бозоридаги ўзгаришлар, валюта курслари ва геосиёсий нотинчликларга нисбатан заифлашувчи сиёсат ҳисобланади. Айниқса, товар импортларига юқори даражада боғлиқ мамлакатларда инфляцияни ички воситалар билан тўлиқ назорат қилиш қийин.

Масалан, глобал нефть ёки газ нархларининг ошиши, озиқ-овқат нархлари-даги кескин ўзгаришлар инфляция даражасига таъсир қилади, аммо Марказий банк бу шокларга фақатгина фоиз ставкалари орқали жавоб бера олади. Бундай ҳолатда ИТ сиёсати ўз таъсирини йўқотиши ёки аксинча, иқтисодиётни жиддий сиқиб қўйиши мумкин. 2022-2023 йилларда жаҳон озиқ-овқат нархлари ўсиши Ўзбекистонда инфляция даражасига жиддий таъсир кўрсатгани бунинг ёрқин мисолидир.

Монетар сиёсат таъсирининг кечикиши ва прогнозлаш қийинчилиги

Фоиз ставкалари ёки бошқа монетар воситалар орқали қабул қилинган қарорлар иқтисодиётга дарҳол эмас, балки маълум кечикиш (лаг) билан таъсир кўрсатади. Бу кечикиш одатда 6 ойдан 18 ойгача бўлиши мумкин.

Масалан, Марказий банк томонидан ставка кўтарилган тақдирда, ушбу чора инфляцияга тўлақонли таъсир кўрсатиши учун бир неча чорак керак бўлади. Бу жараён ИТ сиёсати самарадорлигини баҳолашда ҳам, аниқ прогнозлар беришда ҳам маълум муаммоларни келтириб чиқаради. Шу боис, нотўғри ёки кечиктирилган реакция орқали иқтисодиётда рецессия хавфи ҳам юзага келиши мумкин. Иқтисодий сиёсатнинг кечиккан таъсири ИТ сиёсатини олиб борувчи ташкилотлар учун катта синов ҳисобланади.

Аҳоли ва бизнеснинг инфляция кутувлари юқорилиги

Ўзбекистонда ИТ сиёсати жорий қилинган бўлса-да, аҳоли ва хусусий секторнинг инфляция кутувлари ҳали ҳам юқори даражада сақланиб қолмоқда. Масалан, Марказий банкнинг 2024 йилдаги сўровномаларига кўра, аҳоли инфляция даражаси ҳақидаги прогнозлари 12-14% атрофида бўлган. Бу эса, расмий 5% мақсадли даражадан анча юқори ва жамиятда инфляцияга нисбатан ишончсизлик мавжудлигини кўрсатади. Агар иқтисодий агентлар МБнинг мақсадларига ишонмаса, улар ўз қарорларини реал инфляция кутувларига асослайдилар, бу эса, сиёсат таъсирини пасайтиради. Шу сабабли, ИТ сиёсатини жорий этиш билан биргаликда кенг миқёсдаги оммавий ахборот воситалари орқали жамият билан мулоқот ва тушунтириш ишлари олиб борилиши талаб этилади.

Институционал заифлик ва марказий банк мустақиллиги

Инфляцион таргетлашнинг самарали амалга оширилиши учун марказий банк мустақил ва профессионал ташкилот сифатида фаолият юритиши шарт. Агар

сиёсий босим, фискал сиёсатидаги интизомсизлик ёки давлат бюджетидан марказий банкка тўғридан-тўғри таъсир қилиш ҳолатлари мавжуд бўлса, ITнинг аниқ мақсадларга эришиши жуда қийинлашади. Шунингдек, молиявий бозорлар, статистика агентликлари ва тадқиқот марказларининг мустақил ва шаффоф фаолият юритиши ҳам муҳимдир. Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодий ислохотлар олиб борилган бўлса-да, ҳануз IT сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватловчи институционал муҳит тўла шаклланмаган. Бу ҳолат сиёсат самарадорлигини чеклаб қўйиши мумкин.

Хорижий тажрибалар: синовлар, сабоқлар ва Ўзбекистон учун ўрганиш имкониятлари

Арманистон тажрибаси: ихчам иқтисодиётда эластик таргетлаш модели.

Арманистон Республикаси 2006 йилдан инфляцион таргетлаш сиёсатига ўтди ва бу борада муваффақиятли мисоллардан бири сифатида эътироф этилади. Марказий банк инфляция учун аниқ диапазон белгилаган: 4% плюс-минус 1,5 фоиз пункт. Арманистоннинг хусусияти шундаки, у ташқи савдога боғлиқ, кичик ва очик иқтисодиёт ҳисобланади. Бундай шароитда инфляция ташқи омиллар (энергия, озиқ-овқат нархлари)га жуда сезгир. Марказий банк ўз сиёсатини тез-тез қайта кўриб чиқиш, фоиз ставкаларини қайта кўтариш ёки пасайтириш орқали шокларга жавоб беради.

Шунингдек, улар коммуникация сиёсатига алоҳида эътибор қаратишган: ҳар чоракда жамоатчиликка инфляция тахминлари, хавфлар ва сиёсат сценарийлари бўйича батафсил ҳисобот тақдим этилади. Ушбу ёндашув натижасида Арманистонда инфляция кўп йиллар давомида мақсадли диапазон доирасида сақланди, ҳамда бизнес субъектлари ва аҳоли инфляция бўйича марказий банкга ишонувчи гуруҳга айланди.

Ўзбекистон учун сабоқ: инфляция мақсадини қатъий бир рақам сифатида эмас, балки диапазон кўринишида белгилаш, марказий банк мустақиллиги ва коммуникация шаффофлигини кучайтириш орқали ички бозорда ишонч муҳитини таъминлаш мумкин.

Таиланд тажрибаси: ташқи шокларга мослашувчан IT сиёсати.

Таиланд инфляцион таргетлаш сиёсатига 2000 йилда ўтган. Унинг асосий хусусияти – эластик таргетлаш механизми ҳисобланади. Таиланд Марказий банки инфляция учун доимий равишда **диапазон мақсадлар** белгилайди (масалан, 1-3%), ва сиёсатни фақатгина инфляция даражасига эмас, балки иқтисодий ўсиш ва ишсизлик каби бошқа индикаторларга қараб ҳам юритади. Шу боис, агар иқтисодиётда ташқи шоклар бўлса (масалан, экспорт таназзули, хомашё нархларида ўзгариш), марказий банк қисқа муддатли инфляция оғишларини

“чидалишли” деб ҳисоблайди. Бу сиёсат Таиланднинг туризм ва экспортга асосланган иқтисодиёти учун мос бўлиб, узоқ муддатли барқарор-ликни сақлаб қолишга ёрдам берган. Таиландда ИТ режими ичида ҳам монетар сиёсат даражаси ўзгарувчан ва шокларга мос равишда флексибил тарзда амалга оширилади.

Ўзбекистон учун сабоқ: инфляцияда қисқа муддатли оғишларга нисбатан “эластик ёндашув”ни йўлга қўйиш керак. Бу иқтисодий ўсишни сустратири-масдан, нархлар барқарорлигини таъминлашга ёрдам беради.

Қозоғистон тажрибаси: сиёсий ва ташқи хавфлар таъсирида ИТ самарасизлиги.

Қозоғистонда инфляцион таргетлаш сиёсатини амалга ошириш 2015 йил-дан бошланди. Дастлаб марказий банк 6-8% атрофидаги инфляция мақсадини белгилади ва бозор асосида фоиз ставкасини белгилаш сиёсатига ўтди. Аммо кейинчалик ташқи иқтисодий омиллар (нефть нархининг тушиши, рублнинг қадрсизланиши, санкция муаммолари) туфайли Қозоғистон миллий валютаси – тенге жиддий қадрсизланди. Бу валюта шоклари мамлакатда инфляцияни 20% фоиздан ошириб юборди ва марказий банкнинг ИТ сиёсатига нисбатан ишончни пасайтирди. Шу билан бирга, фискал сиёсатидаги заифликлар бюджет субсидиялари ва давлат харажатларининг юқорилиги ИТ режимида тўғри келмаган.

Қозоғистондаги ИТ сиёсатининг чекланган самарадорлиги инфляцион таргетлашни муваффақиятли амалга ошириш учун валюта курси, фискал сиёсат ва ташқи савдо муҳитининг барқарорлиги кераклигини кўрсатди.

Ўзбекистон учун сабоқ: ташқи шокларга жавоб беришда инфляция мақсадлари қаттиқ эмас, мослашувчан бўлиши керак. Валюта сиёсатини ИТ билан мувофиқлаштириш ва давлат харажатларида интизомни кучайтириш муҳим.

Чехия ва Польша тажрибаси: ИТ сиёсатига босқичма-босқич ўтиш.

Чехия ва Польша инфляцион таргетлашга ўтишда босқичма-босқич стратегик ёндашувни амалга оширган. Улар дастлаб инфляцияни “де-факто” бошқаришган, яъни аниқ рақамлар белгиламасдан, валюта курси ва бюджет сиёсати орқали инфляцияни пасайтиришга ҳаракат қилишган. Кейин инфляция даражаси бироз барқарорлашгандан сўнг, марказий банк ИТ режимида расман ўтган ва оммавий коммуникация сиёсати орқали жамоатчиликка мақсадли инфляция даражаларини тушунтирган. Ушбу икки мамлакатда банк тизими ва молиявий бозорларнинг ривожланганлиги ИТ сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга катта ҳисса қўшган.

Ўзбекистон учун сабоқ: ИТ сиёсатини жорий этиш шошмашошарлик билан эмас, балки тайёргарлик ва бозор институтларини ривожлантириш орқали босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Туркия мисоли: сиёсий аралашув оқибатидаги ИТ сиёсатининг заифлиги.

Туркияда инфляцион таргетлаш сиёсати 2006 йилда расман қабул қилинган, бироқ кейинги йилларда сиёсий аралашув туфайли марказий банк мустақиллигининг заифлашуви ИТ сиёсатини самарасиз қилиб қўйди. Президентнинг фоиз ставкаларига шахсан таъсир қилиши, “паст фоиз – паст инфляция” каби илмий асоссиз баёнотлар натижасида марказий банк ўз мустақиллигини йўқотди. Бу инфляциянинг 2021-2022 йилларда 80 фоиздан ошиб кетишига олиб келди. Туркия тажрибаси ИТ сиёсатининг сиёсий эркин-ликсиз, мустақил марказий банксиз ва молиявий интизомсиз ишламаслигини яққол кўрсатди.

Ўзбекистон учун сабоқ: марказий банкнинг мустақиллиги, сиёсий таъсирсизлиги ва институционал даражаси ИТ сиёсатининг муваффақияти учун асосий шартлардан бири ҳисобланади.

Хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, инфляцион таргетлаш (ИТ) сиёсати ҳар бир мамлакатда бир хил натижа бермайди, чунки у “универсал рецепт” эмас. Инфляцион таргетлашнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан мамлакатнинг иқтисодий тузилиши, институционал ривожланиш даражаси ва сиёсий муҳитига боғлиқдир. Бу жиҳат Ўзбекистон учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун, мамлакатимизда ИТ сиёсатига ўтиш жараёнида, аввало, инфляция мақсадларини аниқ белгилаш талаб этилади. Яъни инфляция даражасини мустаҳкам бир рақамда эмас, балки маълум бир диапазонда (масалан, 4-6%) белгилаш орқали ташқи ва ички шокларга нисбатан сиёсатни мослашувчан ва реал вазиятга мослаштириш имкони яратилади.

Бундан ташқари, ИТ сиёсатининг тўлиқ самара бериши учун Марказий банкнинг институционал мустақиллиги таъминланиши лозим. Бу мустақил-ликни фақат қонунларда эмас, балки амалда, шу жумладан, конституциявий даражада кафолатлаш ИТ сиёсатининг узоқ муддатли барқарорлигига хизмат қилади. Марказий банкнинг сиёсий босимлардан ҳоли равишда қарор қабул қилиши инфляцияга қарши сиёсатнинг ишончлилигини таъминлайди. Шу билан бирга, аҳоли ва бизнес субъектлари орасида ишончни мустаҳкамлаш учун жамоатчилик билан самарали мулоқот механизмларини йўлга қўйиш ҳам муҳимдир.

Бу борада марказий банкнинг инфляция кутувлари ҳақида мунтазам ахборот бериб бориши, аниқ ва тушунарли тарзда инфляция мақсадлари ва уларга эришиш стратегияларини тушунтириши кутувларни барқарорлашти-ришга ёрдам беради.

Шунингдек, ИТ сиёсати молиявий бозорларнинг ривожланишини ҳам талаб қилади. Фоиз ставкаларининг бозор механизми орқали шаклланиши, кредит

ва депозит маҳсулотлари диверсификацияси, молиявий институтлар фаолияти-нинг самарадорлиги монетар сиёсат таъсирининг трансмиссия каналларини кучайтиради. Агар бозор механизмлари заиф бўлса, марказий банк томонидан қабул қилинган қарорлар иқтисодиётда кутилган таъсирни бермаслиги мумкин. Бу ҳолатда ИТ сиёсатининг иқтисодий ўсишга нисбатан таъсири чекланган бўлади.

Нихоят, ИТ сиёсатининг яна бир муҳим шартларидан бири – фискал сиёсат билан узвий мувофиқликдир. Давлат харажатлари, субсидиялар ва трансферт-лар инфляцияга таъсир қилмаслиги учун мақсадли бошқарилиши лозим. Бунинг учун бюджет сиёсатини инфляцион мақсадлар билан мувофиқлаштириш, ортиқча харажатлардан сақланиш, ижтимоий харажатларни самарали ва шаф-фоф механизмлар асосида амалга ошириш талаб этилади. Фискал интизомнинг таъминланиши, ўз навбатида, инфляцион таргетлаш сиёсатида нисбатан ишончли мустаҳкамлайди ва унинг самарадорлигини оширади.

Шу жиҳатдан келиб чиқиб, Ўзбекистонда инфляцион таргетлашни жорий этиш нафақат марказий банкнинг техник қарорларини ўз ичига олади, балки бу – кенг қамровли институционал ва сиёсий ислохотлар мажмуасини ҳам талаб этади. Бу ислохотлар муваффақиятли амалга оширилган тақдирда, инфляцион таргетлаш Ўзбекистон иқтисодиётида макроиқтисодий барқарорлик ва узок муддатли ўсишни таъминлашнинг асосий устунига айланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Баёнов А. Макроиқтисодий барқарорлик ва инфляцион таргетлаш сиёсати // Иқтисодиёт ва таълим. – 2023. – №2 (43). – Б. 44–53.
2. Jonas J., Mishkin F. S. Inflation targeting in transition economies: Experience and prospects. – Cambridge, MA: National Bureau of Economic Research, 2003. – (NBER Working Paper No. 9667). – <https://www.nber.org/papers/w9667>.
3. Mishkin F.S. Inflation targeting: lessons from the international experience. – Princeton: Princeton University Press, 2007. – 240 с.
4. Petrevski G., Bogoev J., Rochhia N. Inflation targeting in emerging economies: a comparative study // arxiv preprint. – 2023. – arxiv:2305.17474. – <https://arxiv.org/abs/2305.17474>.
5. Akabirkhodjaeva, D. (2019). Information And Communication Technologies As A Factor Of Fundamental Changes In The Educational Process Of UWED. International Relations: Politics, Economics, Law, 2019(1), 78-85.
6. Акабирходжаева, Д. Р., & Калмуратова, Ш. А. (2022). РЕГУЛИРОВАНИЕ ТЕНЕВОГО БИЗНЕСА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАНЕ ПРИ ПОМОЩИ НАЛОГОВ. Science and innovation, 1(A4), 10-15.

7. Uzoqova, S., & Akabirkhodjaeva, D. (2025). GREEN ENERGY PROJECTS AND THE TRANSITION TO RENEWABLE ENERGY SOURCES IN UZBEKISTAN: CURRENT STATE AND PROSPECTS. International Journal of Artificial Intelligence, 1(4), 2324-2328.
8. Axadjon o'g'li, A. A., & Sabirovna, G. G. (2025). JSTGA A'ZO BO 'LISHNING IQTISODIY O'SISHGA TA'SIRI. ZAMIN ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(5), 101-108.
9. Xasanovich, H. A., & Axadjon o'g'li, A. A. ISLOMIY INVESTITSIYA FONDLARI VA ULARNI BOSHQARISH.
10. Rashidovich, X. M., & Axadjon o'g'li, A. A. (2023). ISLOM MOLIVASIDA RISKNI MINIMALLASHTIRISH. "ISLOM INVESTITSIYA MAHSULOTLARI: XUSUSIYATLARI VA, (8-1), 122.
11. Xusanovich, A. O., & Axadjon o'g'li, A. A. (2023). IV-YO 'NALISH: ISLOM MOLIVASIDA FAOLIYAT KO'RSATUVCHI MUTAXASSISLAR TAYYORLASH: OLIY TA'LIM MUASSASALARI BILAN ILMIY HAMKORLIK ISLOM MOLIVASIDA FAOLIYAT KO'RSATUVCHI MUTAXASSISLAR TAYYORLASH. "ISLOM INVESTITSIYA MAHSULOTLARI: XUSUSIYATLARI VA, 109.
12. Axadjon o'g'li, A. A., & Murotovich, M. F. (2023). RIVOJLANAYOTGAN MAMLAKATLARDA RAQAMLI IQTISODIYOT SIYOSATI. QO'QON UNIVERSITETI XABARNOMASI, 294-298.
13. Muratovich, M. F., & Axadjon o'g'li, A. A. (2023). TA'LIMDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARINING ROLI. QO'QON UNIVERSITETI XABARNOMASI, 9, 237-240.
14. Axadjon o'g'li, A. A. (2024). MAMLAKAT IQTISODIYOTINING O 'SISHIDA FDI NING ROLI. University Research Base, 691-694.
15. Axadjon o'g'li, A. A., & Murotovich, M. F. (2024). O 'ZBEKISTON KELAJAGINI SHAKLLANTIRISHDA JSTNING HAL QILUVCHI ROLI: MINTAQALAR BO'YICHA BARQAROR VA INKLYUZIV RIVOJLANISH. University Research Base, 498-502.
16. Mulaydinov, F. (2024). Application, place and future of digital technologies in the educational system. Nordik ilmiy-amaliy elektron jurnali.
17. Jumanova, S. (2024). Analysis of PISA test results in Uzbekistan and prospects of preparing primary education students for PISA test. Nordik ilmiy-amaliy elektron jurnali.
18. Axadjon o'g'li, A. A., & Tursunboy o'g'li, N. J. (2023). SANOATNING YAIMGA TA'SIRINI BAHOLASH. QO'QON UNIVERSITETI XABARNOMASI, 290-293.
19. Axadjon o'g'li, A. A. (2023). RAQAMLI IQTISODIYOTNING RIVOJLANISHDAGI O 'RNI. QO 'QON UNIVERSITETI XABARNOMASI, 271-273.
20. Axadjon o'g'li, A. A. (2023). ZAMONAVIY AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINING MUAMMOLARI VA YECHIMLARI. QO'QON UNIVERSITETI XABARNOMASI, 333-338.

21. Xusanovich, A. O. (2023). MALAYZIYADA ISLOMIY MOLIYA, TO'G'RIDAN-TO'G'RI XORIJIY INVESTITSİYALAR VA IQTISODIY RIVOJLANISH O'RTASIDAGI MUNOSABATLARNING EKONOMETRIK TAHLILI ASOSIDA O'ZBEKISTON UCHUN TAVSIYALAR. QO 'QON UNIVERSITETI XABARNOMASI, 7, 60-64.

22. Ikromjonovna, J. S., & Axadjon o'g'li, A. A. (2023). O 'ZBEKISTONDA PISA TESTI NATIJALARI VA BOSHLANG'ICH TA'LIM O'QUVCHILARINI BU TESTGA TAYYORLASH ISTIQBOLLARI. QO 'QON UNIVERSITETI XABARNOMASI, 9, 159-162.

23. Turanboyev, B., & Abdullayev, A. (2023). DAVLAT, KORXONA VA TASHKILOTLAR BYUDJETINI TO'G'RI TAQSIMLASH TENDENSIYALARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(4), 304-309.

24. Ahrorjon, A., & Gafurov, X. (2023). IQTISODIY SIYOSATNING RIVOJLANISHIDA FISKAL VA PUL-KREDIT SIYOSATI. Qo 'qon universiteti xabarnomasi, 310-313.

25. Axrorjon, A., & Maxliyoxon, O. (2024). TA'LIM SIFATI OSHISHIDA JSTNING O 'RNI. YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOIY-INNOVATSION TADQIQOTLAR, 2(1), 113-118.

26. Акабирходжаева, Д. Р., & Абдуллаев, А. А. (2024). ВЛИЯНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ИННОВАЦИЙ НА РАЗВИТИЕ МИРОВОГО ФИНАНСОВОГО РЫНКА. Экономика и социум, (11-1 (126)), 729-739.

27. Akabirxodjayeva, D., & Abdullayev, A. (2024). TEXNOLOGIK INNOVATSIYALARNING JAHON MOLIYA BOZORINING RIVOJLANISHIGA TA'SIRI. QO 'QON UNIVERSITETI XABARNOMASI, 13, 89-96.

28. Akhrorjon, A., & Maxliyoxon, O. (2024). IMPACT, RESULTS AND CONSEQUENCES OF WTO ACCESSION ON THE EDUCATION SYSTEM. International Multidisciplinary Journal of Universal Scientific Prospectives, 2(1), 6-15.

29. Abdullaev, A., & Odilova, M. (2024). The Role of WTO in Improving the Quality of Education. Yosh Tadqiqotchi Jurnal, 3(1), 140-148.